



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 5 июнь, № 114 (7072) • Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БИЗ ва ЖАҲОН

ЭКСПЕРТЛАР:

«Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келган кундан бошлаб мамлакатда янги давр руҳи сезилмоқда»

Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишлар кўплаб мамлакатлар қатори Туркия экспертлари орасида ҳам кенг тилга олинаётган мавзулардан бири бўлиб бормоқда. Турк мутахассисларининг бу борадаги фикрларига эътибор қаратарканмиз, уларнинг юртимизда содир бўлаётган воқеликлари диққат билан кузатиб бораётганига ишонч ҳосил қиламиз.

Хилал КАПЛАН, сийёсий таҳлилчи:

— Уттиз уч миллионга яқин аҳоли яшовчи Ўзбекистон минтақанинг энг муҳим давлатидир. Асрлар мобайнида Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент сингари шаҳарлар нафақат ислом олами ва Шарққа, балки кўрраи заминга илму маърифат ҳамда маданият ўчоқлари сифатида хизмат қилиб келган. Бу ўлкада қадимдан савдо-сотиқ ривожланиб, дунёнинг барча нуқтасидан савдо қаровлари Ўзбек заминига интилган.

Бугун мамлакатда олиб борилаётган ислохотларни диққат билан кузатиб бораёلمиз. Оқдид турмуш тарзини яхшилаш ички сийёсатнинг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Ташқи сийёсатда эса Ўзбекистон барча билан кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўяпти. Бу йўналишда Туркия — Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар диққатга сазовор.

Чемил ЭРТЕМ, «Milliyet» газетаси шарҳловчиси, иқтисод фанлари доктори:

— Дунёнинг баъзи давлатларидан фарқи равишда Ўзбекистон табиий ресурсларни четга сотиш билан чекланмасдан, юқори қўшилган қийматли товарларни ишлаб чиқаришга эътибор қаратмоқда.

Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келган кундан бошлаб мамлакатда янги давр руҳи сезилмоқда. Президент сийёсатида мамлакат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, мавжуд заҳира ва имкониятларни сафарбар этиш, аҳолининг катта қисмини ташкил қилувчи ёшларни иш билан таъминлаш алоҳида ўрин тутаяпти. Республиканинг минтақа марказидаги жойлашуви, унинг ёш, тез ўсаётган аҳолисини ҳисобга олган ҳолда, биз «Ўзбекистон етакчи мамлакат сифатида «йўғиниш» арасида турибди», дея ишонч билан айта оламиз.

Ильнур ЧЕВИК, мустақил эксперт:

— Республикада амалга оширилаётган ўзгаришлар мутлақо янги характерга эга. Сийёсий маҳбусларни озод этиш, болалар меҳнатига йўл қўймаслик бўйича қабул қилинган қарорлар муҳимлиги билан ажралиб туради. Иқтисодий тузилмасини диверсификациялаш, пахта экладиган майдонларни қисқартириш ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини оммалаштириш бўйича муайян силжешлар кузатишмоқда.

Ташқи сийёсат соҳасида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. Қўшни давлатлар билан алоқадан мутлақо янги даражада. Буларнинг ҳаммасига икки йилдан кам муддат мобайнида эришилгани улкан воқеадир.

Синем ЖЕНГИЗ, Марказий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари бўйича эксперт:

— Анкара Марказий Осиёнинг барча давлати ва Афғонистон билан чегарадош Ўзбекистоннинг стратегик аҳамиятини яқши англайди. Шу сабабли ушбу мамлакат Туркия ташқи сийёсатида доимо алоҳида ўрин тутиб келган. Утган йили Президент Шавкат Мирзиёев Анкарага давлат ташрифи билан келди, шу йилнинг май ойида эса Туркия Президенти Ражаб Таййип Эрдоғон Ўзбек заминига ташриф бурди. Бўлиб ўтган учрашув ҳамда музокаралар икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан мутлақо янги даражага кўтарди. Туркия давлати раҳбарига Ўзбекистонга сафари чоғида кўплаб вазирлар ва ишбилармонлардан иборат катта делегация ҳамроҳлик қилиб, бу ҳамкорликнинг барча жаҳасини муҳокама этиш ҳамда истиқболдаги вазифаларни белгилаб олиш имконини берди.



Хилал КАПЛАН, сийёсий таҳлилчи.



Чемил ЭРТЕМ, «Milliyet» газетаси шарҳловчиси, иқтисод фанлари доктори.



Ильнур ЧЕВИК, мустақил эксперт.



Синем ЖЕНГИЗ, Марказий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари бўйича эксперт.

Сурхондарё:

ЖАНУБ ДУНЁГА ЮЗ ТУТМОҚДА



Термиз шаҳрида вилоятнинг инвестиция, экспорт ва туризм салоҳиятига бағишланган «Очиқ Жануб» деб номланган халқаро бизнес форуми бўлиб ўтди. Унда Россия, Туркия, Буюк Британия, Австралия, Индонезия, Ҳиндистон, Кувайт, Эрон, Афғонистон, Тожикистон каби йигирмага яқин давлатлардан 160 нафардан ортиқ ишбилармон доира вакиллари, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчилари ҳамда чет эл ваколатхоналари ходимлари қатнашди.

Бунёдкорлик

Ушбу халқаро анжуман «Очиқ Жануб» дея номланиши беҳиз эмас. Чунончи, Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Сурхон замини бугун яна дунёга юз очмоқда. Зеро, юртимизнинг Жанубдаги олтин дарвозаси — Сурхондарё ўзининг ер ости ва ер усти бойликлари, қўлай иқлими, тарихий обидалари, муқаддас қадимжолари, қолаверса, замонавий транспорт-логистика имкониятлари билан инвестицион ҳамда жазибдор туризм ҳудуди ҳисобланади.

Россиялик ишбилармонлар ҳамкорлигида Бойсун туманида «Мустақилликнинг 25 йиллиги» қонид лойиҳа қиймати 5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган, йилгига 4 миллиард куб метр газни қайта ишлаш, 289 минг тонна полипропилен, 211 минг тонна полиэтилен ва 293 минг тонна олтингургурт ишлаб чиқариш қувва-



Жонбек ҚУЗИМУРДОВ (ў.а.) олтин суратлар.

тига эга газ-кимё мажмуасини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Бундан ташқари, Саросий туманидаги «Шаргун кўмири» қонини модернизация қилиш эвазига йилгига 900 минг тонна, Бойсундаги «Тўда» кўмири қонид эса йилгига 450 минг тонна кўмири

ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Вилоятда 5 миллион тонна цемент тайёрлаш қувватига эга 4 та завод ишга туширилиш арасида. Чунончи, Сурхондарёда бошқа вилоятларга қараганда, мева-сабзавотлар қарийб 20 кун эрта пишиб етилади.

Бу эса уларни нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам сотишга қўлайлик яратди. Шу ҳамда бошқа омилар инноватция олиниб, аграр соҳада бир қатор янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётди.

(Давоми 3-бетда).

«Ўзбекистон: жадал ривожланаётган Евросийё индустриал марказидаги сармоявий имкониятлар»

Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаш доирасида ҳамда бу жараёнга чет эллик сармоядорларни жалб қилиш мақсадига мамлакатимизнинг Франкфурт-Майндаги (Германия Федератив Республикаси) бош консулининг томонидан Швейцария — Осиё савдо палатаси ва Ўзбекистон — Швейцария савдо-саноат палатаси билан ўзаро ҳамкорликда Цюрих шаҳрида «Ўзбекистон: жадал ривожланаётган Евросийё индустриал марказидаги сармоявий имкониятлар» мавзусида бизнес форуми ташкил этилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Швейцариядаги йirik жамоат ташкилотларидан бири ҳисобланадиган Швейцария — Осиё савдо палатаси 450 дан зиёд иқтисодий тизимлар, компаниялар ҳамда турли даражада ва йўналишлардаги ишлаб чиқарувчиларни ўз атрофида бириктирган. Ушбу савдо палатаси Осиёнинг 17 мамлакатини, хусусан, Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилади.

Бизнес форумида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А. Икромов бошчилигидаги мамлакатимиз тadbиркорлари, республика Бандик ва меҳнат муносабатлари вазир Ш. Қудбийев, Швейцария иқтисодий вазирлиги, Швейцария — Осиё савдо палатаси вакиллари, Economiessuisse иттифоқи, Switzerland Global Enterprise уюшмаси вакиллари, немис ишбилармонлари ҳамда маҳаллий журналистлар қатнашди.

Швейцария — Осиё савдо палатаси раиси Урс Лустенбегер анжуманини очар экан, унинг иштирокчиларини Ўзбекистондаги янги иқтисодий жараёнлар, бизнес

юретиш учун яратилаётган қўлай шароитлар билан таништирди. У алоҳида таъкидлаганидек, бугунги кунда мамлакатда сийёсий-ҳуқуқий, савдо-иқтисодий ва банк-молия соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар Ўзбекистон бозорининг хорижий сармоядорлар учун очиклигига ҳамда турли жабҳаларда ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қўмақлашмоқда. Шу ўринда Урс Лустенбегер ўзбекистонлик шериклар билан фаол ҳамкорлик қилиш, тўғридан-тўғри ишбилармонлик алоқаларини йўлга қўйиш вақти келганини қайд этди.

Анжуман қатнашчилари олдида сузга чиққан Ўзбекистоннинг Франкфурт-Майндаги бош консули Э. Ҳамроев мамлакатимизнинг замонавий ривожланиши, жадал ислохотлар йўли, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сийёсий стратегияси ва ташаббуслари, минтақадаги қўшни давлатлар ҳамда дунёнинг етакчи мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани ҳақида атрафлича тўхталди. Дипломат

Швейцария ва Германия ишбилармон доиралари вакилларига Ўзбекистонга боришни тақлиф қиларкан, бу мамлакатимизда рўй бераётган туб ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўришига имкон яратишини айтиди.

Бизнес форумида Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятининг тақдироти ҳам ўтказилди. Мамлакатимиз ишбилармонлари делегацияси раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А. Икромов тadbир қатнашчиларини юртимиз сармоявий имкониятлари, унинг экспорт, транспорт ҳамда сайёҳлик салоҳияти билан ақидан таништирди. У 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини буйича Ҳаракатлар стратегиясини қўлланган асосий мақсадлар ва унинг йўналишлари моҳияти хусусида сўзлаб, республикаимиздаги эркин иқтисодий зоналар ҳамда кичик индустриал зоналарида қўшма корхоналарни ташкил этишнинг афзалликлари хусусида атрафлича тўхталди.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

• Инновацион ривожланиш вазирлигида Франциянинг «Thales International» компанияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда юқори технологиялар ва қишлоқ хўжалигига инновационлиги олиб кириш мақсадига «Thales International» компанияси базаларида тажриба орттириш учун тадқиқотчи ҳам мутахассислар бизнес масаласи ҳам муҳокама этилди.

• Люксембургнинг «Barents Reinsurance SA» компанияси билан «Ўзбекинвест» миллий сугурта компанияси қайта сугурталаш бўйича ўзаро ҳамкорлик асосида шартнома имзолади.

• Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида Италиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, «Ўзбекистон — Италия» дўстлик жамияти билан ҳамкорликда опера санъати кечаси ташкил қилинди. Италия композитори Жоакино Антонио Россини хотирасига бағишланган ушбу ижодий кечада унинг «Севильялик сартарош», «Золушка» сингари асарларидан намуналар янгради.

«Халқ сўзи» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Маҳаллий Кенгашларда

Сафарбарлик масъулияти

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 29 май кунини бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида бугунги кунда гоёя долзарб бўлиб турган масалалар, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги юмушлари муҳокама этилиб, мамлакатимизда 1 июндан 1 июлгача «Ғузада кафолатли ҳосил яратиш зарбдор ойлиги» деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбари томонидан катта меҳнат ва харажат билан етиштирилган ҳосилни тўла сақлаб қолиш мақсадига соҳа вакиллари билан биргаликда барча бўғиндаги депутатларнинг ҳам сафарбарлиги ҳамда масъулиятини ошириш тақлифи илгари сурилди.

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари бу борада жойларда қатий ҳамда самарали депутатлик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадига ҳудудларда бўлиб, халқ қаторлари маҳаллий Кенгашлари сессияларини ўтказмоқдалар.

Уларда қишлоқ хўжалигига сувдан оқилана фойдаланиш, сув танқислигининг оқибатларини юмшатиш, Ғузада кафолатли ҳосил яратишнинг қўшимча чоралари тўғрисидаги масала муҳокама этиляпти.

(Давоми 2-бетда).

Муҳим вазифалар «Йўл харитаси»да акс этади

Аввал хабар қилинганидек, май ойининг охириги йўл харитасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзоларидан иборат гуруҳ жойларда бўлиб, аҳоли билан очик мулоқотлар ўтказиш борабариди, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси ҳолатини таҳлил қилиш, бу борадаги мавжуд камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ўрганган эди. Айни чоғда ушбу масалалар тегишли туман Кенгаш сессияларида муфассал кўриб чиқилди.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Чунончи, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Кенгаш сессиясида парламент аъзолари томонидан олиб борилган ўрганиш натижалари қизғин муҳокама қилинди.

Энг аввало, туман ҳокими, ички ишлар бўлими бошлиғи ва давлат солиқ инспекцияси бошлиғи раҳбарлигидаги секторларда ишни ташкил этиш ҳамда аҳоли хонадонларини ўрганиш натижаси бўйича «Йўл хариталари»ни шакллантиришда қатор камчиликлар мавжудлиги айтиб ўтилди. Масалан, туман ҳокими сектори штабида 2018 йилга мўлжалланган «Йўл харитаси» ишлаб чиқилмаган, туман ИИБ бошлиғи раҳбарлигидаги секторда аҳоли билан учрашувлар ўтказиш жараёнида аниқланган муаммоларнинг натижалари охиригача назоратга

(Давоми 2-бетда).

Таҳлил

Ўзбекистон автомобиль саноати: ЯНГИЛИКЛАР, ЎЗГАРИШЛАР, РЕЖАЛАР

Ўзбекистонда дунёга машҳур кўплаб брендларнинг автомобиль русумларини, шунингдек, электромобил ҳам ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

«Ўзавтосаноат» АЖ раҳбарларининг сўзларига қараганда, тармоқни монополиядан чиқариш бўйича ўзига хос жараён бошланган. Бунда йirik хорижий автомобилсозлик компаниялари билан ҳамкорликни кенгайтириш, ҳатто Ўзбекистонда оламга машҳур брендларнинг турли русумларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳам қўзда тутилган. Ана шу йўналишдаги ишлар бир қатор лойиҳалар доирасида бошлаб юборилди. «Жиззах» ЭИЗДА «Пежо Боксер» ва «Пежо эксперт» сингари бир неча модификациялар тайёрлаш мўлжалланган «Uzbekistan Peugeot Citroen

Automotive» Ўзбек — француз автомобилсозлигини ишга тушириш борасида қуриш-монтаж ишларининг 80 фоиз хос жараён бўлинди. Давлат раҳбарининг қурилиши тезлаштириш ҳақидаги топшириқдан сўнг жадвалга тузатиш киритилди. Агар жаҳон тажрибасида автомобиль саноатидаги бу каби лойиҳаларни рўйбга чиқариш учун ўртача икки йил вақт кетса, «Ўзавтосаноат» вакиллари автосаноатни, аввал режалаштирилганидек, келаси йилнинг биринчи чорагида эмас, балки шу йил охиригача ишга тушириш ниятида.

(Давоми 4-бетда).

«Ғузада кафолатли ҳосил яратиш зарбдор ойлиги»

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИНING МАМЛАКАТИМИЗ ФЕРМЕРЛАРИГА МУРОЖААТИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида яқинда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида қишлоқ хўжалигидаги долзарб масалалар, шу жумладан, ғуза парварлиги, сувдан оқилана фойдаланиш каби муҳим

тадбирларни самарали ўтказиш муҳокама этилиб, мамлакатимизда 1 июндан 1 июлгача «Ғузада кафолатли ҳосил яратиш зарбдор ойлиги» деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Фермер, деҳқон

хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг юртимиз фермерларига мурожаати қабул қилинди. Мурожаатнинг тўлиқ матни билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз.

«Ўзада кафолатли ҳосил яратиш зарбдор ойлиги»

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИНING МАМЛАКАТИМИЗ ФЕРМЕРЛАРИГА МУРОЖААТИ

Ҳурматли фермерлар!

Жорий йилнинг 29 май куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган видео-селектор йиғилишида бугунги кунда...

фермерларнинг ишга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари томонидан "тарихий қарор" дея эътироф этилган мазкур ҳужжатга...

Бу ҳақда сўз юритилганда, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги "Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига...

Бу борада Халқаро меҳнат ташкилоти билан фаол ҳамкорлик қилинаётганлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори билан парламент назорати институти жорий этилганлиги жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланмоқда.

Қадрли фермерлар!

Кўпни кўрган, тажрибали фермерлар июнь-июль ойлари Ўзада айна ривожланадиган, деҳқончасига айтганда, экин кечаю кундуз "ишлайдиган" бетақор палла эканлиги...

Биринчидан, ташкилий ишларни яна бир марта, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда пухта режалаштириш!

Иккинчидан, халқимизнинг деҳқончилик бобига тўплаган кўп йиллик бой тажрибасига таяниб, илм-фан ютуқлари, инновацион агротехнологияларни қўллашга алоҳида эътибор қаратинг!

Сиз эмас, кейинги йилларда глобал климат ўзгаришининг салбий оқибатлари юртимизда ҳам сезилмоқда. Жорий қиш фаслида ёғингарчиликнинг кам бўлганлиги оқибатида, айниқса, аксарият етиштирилган сув таъминотининг меъёридан камлиги кузатиляпти.

Ҳаётимизда, бундай ҳолати об-ҳаво кейинги 100 йилда ҳам рўй бермаган экан!

Зейна АШУРОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Бундай ҳолларда тадбирли бўлиш талаб этилади, ўтган йилги натижалар билан чегараланиш, яна шу маррани кўзлаб иш тутиш ҳаётий эҳтиёжларимизга мутлақо тўғри келмайди.

Шу маънода, табиат куч-қудратимиз, сабр-бардошимизни яна бир бор синовдан ўтказилган жорий мавсумда бир тану бир жон бўлиб, ҳукуматимиз томонидан тавсия этилган энг қулай агротехника тадбирларини мақбул муддатларда амалга ошириб, галладан камида гектардан 10 центнердан, пахтадан эса 3 — 5 центнердан қўшимча ҳосил етиштиришга эришайлик!

Фидойи фермерлар, дала меҳнатқашлари!

Қишлоқ хўжалигига яроқли ер ресурслари нўхоятда чекланган бўлиб, қурғоқчилик ва шўрланшиш оқибатида унумдор экин майдонлари тобора қисқармоқда.

Бу эса сизу бизга ишониб топширилган давлатимизнинг беқиёс бойлиги — ернинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланишни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда эса бор куч ва ғайратимизни, билимимизни сафарбар этиб, замонавий агротехнологиялар, интенсив усулларни доимий қўллашимизни талаб этади.

Гапнинг дангали, фермерлик ҳаракатининг замонавий бугунги босқичи талаблари га жавобан даласига меҳр қўйган, дала шийпонини иккинчи уйга айлантирган ва экинлари билан тиллаша оладиган фидойи фермерлар сафига қўшилиш!

Ўз тақдирини деҳқончиликдан айро тасаввур қила олмайдиган фермернинг жойи даласида эканлигини асло унутманг!

Пайкал четлари ва уватлари га ҳам сабабот, полиз экинлари экиб, бозорларимиз файзу баракасига муносиб хисса қўшинг!

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, биз давлатимиз ва ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлаши натижасида Ўзгалар ҳавас қиларли даражадаги замонавий боғ ва тоқорлар яратдик.

Давлат бизга нафақат ерни топширди, балки бой бўлишимиз учун зарур барча шарт-шароитни яратиб бермоқда.

Айни дамда биз, фермерлар ҳам бунга жавобан фидокорона меҳнат қилиб, галла майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан, пахтадан 30 центнердан кам ҳосил олишдек самарасиз натижа ўзбек деҳқонига мутлақо ярамаслигини баралла айтишимиз керак.

Азиз фермерлар, дала соҳиблари!

Деҳқончиликда танаффус бўлмади, дала меҳнатқашлари йил — ўн икки ой тиним билмайди. Айниқса, ҳозиргидек ўта мусулиятчи бўлган "Ўзада кафолатли ҳосил яратиш зарбдор ойлиги"да асло хотиржамликка берилиб бўлмайди.

Ширин ташвишлар гамида елиб-югуради. Бунинг замирида эса тўкин дастурхон,

фаровон турмуш, эртанги ҳузур-ҳаловат мужассамлигини яхши билади, албатта.

Шунинг учун: — аниқ режаларни ҳаётга татбиқ этиб, мавжуд сув захираларидан тежаб-тергаб фойдаланишни унутманг!

— бу йилги об-ҳаво шароитидан келиб чиққан ҳолда, сувчилар сонини кўпайтириб, вақтдан унумли фойдаланинг!

— ҳар гектар ерга 10 тоннадан маҳаллий ўғит бериш, 3 гектарга биттадан хандақ қазиш ва сув йўллари тозалаш тадбирларини қисқа муддатларда якунига етказинг!

— деҳқоннинг қаноти бўлган техника ва технологиялардан унумли фойдаланиб, уларнинг мавсумга шайлигини яна бир бор қўриб чиқинг ва тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйинг!

— галладан бўшаган майдонларда такрорий экин экиш ва гўза парвариши ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш бўйича белгиланган тадбирларни тизимли ташкил қилинг!

— ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича тажрибали мутахассис ва олимларни далангизга жалб этинг!

Ҳурматли ҳамкасблар, қадрли фермерлар!

Бугун халқимиз Сизнинг шижоатингиз, ғайрат ва матонатингизга кўз тикиб турганини бир зум бўлса, ёддан кўтарманг.

Юртбошимизнинг ишончини оқлаб, мамлакатимиз фаровонлигига муносиб хисса қўшиш учун барчангизни сидқидилдан ҳалол меҳнат қилишга чақирамиш!

Бу йилги қишлоқ хўжалиги йилида Сиз — азиятлар сийҳат-саломатлик, ишингизга эса унум ва ривож, хайр-барока, улкан хирмон барпо этишингизга муваффақият ва зафарлар тилаймиз!

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ.

Мухим вазифалар «Йўл харитаси»да акс этади

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Мажлисида аҳолини иш билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Бугунги кунда туман бандлик марказига 347 та корхона томонидан 1777 та бўш иш ўрни ҳақида маълумот берилган.

лар бўйича ижро интизоми ҳам оғриқли масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Аҳоли хонадонларининг 61 мингдан зиёди кўп қаватли уйларида бўлиб, уларнинг 41 минг 233 тасига газ ҳисоблагич ўрнатилмаган.

Сессияда тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган бу каби салбий ҳолатларни бартараф этиш, дас-

турлар ижросини таъминлаш чораларини кўриш масалалари ҳар томонлама муҳожама қилинган. Ҳар бир секторнинг амалга оширилган ишлари, аниқланган муаммо ва камчиликларнинг объектив ҳақида субъектив омиллари таҳлил этилиб, зарур тавсиялар берилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н. Йўлдошев иштирок этади.

Зейна АШУРОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон: жадал ривожланаётган Евросиё индустриал марказидаги сармоявий имкониятлар

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Шунингдек, Швейцария машинасозлик, электротехника sanoati ва металлургия ишлаб чиқарувчилари ассоциацияси (Swissmet) бош қотиби К. Вухальдер "Швейцариянинг Ўзбекистондаги тўқимачилик машиналари", Comagra Commerce&Agriculture AG компанияси директори Ю. Мюллернинг "Ўзбекистон экспорт: имкониятлар ҳамда тўсиқлар" мавзусидаги маърузалари ҳам тингиланди.

ни тадбир қатнашчилари билан ўртоқлашди. Сўнгра мамлакатимиз бош қотиби бўлиб, унинг аъзолари аниқлаб олинди.

Тадбирнинг расмий қисми ниҳоясига етганидан сўнг Credit Suisse, Schneider Group, Bank Julius Baer, UBS Switzerland AG ва бошқа компания ҳамда молия тизимлари иштирокида Ўзбекистон ва Швейцария тадбиркорларининг «business-to-business» (B2B) урғуви бўлиб ўтди.

Юқоридагилардан ташқари, мамлакатимиз делегацияси Швейцариянинг Хорген шаҳридаги Schärer Schweiter Mettler AG тўқимачилик фабрикасида ҳам бўлиб, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни билан танишди.

«Дунё» АА. Сюрих — Франкфурт-Майн

Сафарбарлик масъулияти

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Хусусан, видеоселектор тарзида ташкил қилинган халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши сессиясида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ўта мураккаб, нозик ҳамда кўп меҳнат талаб этадиган соҳа эканлиги, айниқса, сувдан фойдаланишда оқиллик ва тежамкорликни талаб қилиши алоҳида таъкидланди.

Сессияда асосий эътибор амалий ҳаракатларга қаратилди. Жумладан, вилоятда сувдан оқилона фойдаланиш, сув танқислигининг оқибатларини юмшатиш, гўзада кафолатли ҳосил яратиш бўйича ишларни мувофиқлаштириб боровчи штаб тuzилиб, унинг аъзолари аниқлаб олинди.

Тадбирда сувчиларга қулайликлар яратиш бериш, сўғориш маданияти, обихаёт тақчиллигини юмшатишга оид агротехник юмушларни бажариш, гидротехник иншоотларни тозалаш, депутатлик ва жамоатчилик назоратини таъминловчи гуруҳлар ҳам шакллантирилди.

— Бу йил баҳор қуруқ келди, сув тақчиллиги сезилмоқда, — дейди тадбирда сўз олган Бухоро туманидаги "Маданият Муҳаммад Исмаи" фермер хўжалиги раҳбари Муҳаммад Аҳмедов. — Бинобарин, юртимиз, жумладан, Бухоро вилояти табиий климат шароитида обихаётнинг икки томонидан ўринли фойдаланмай туриб, кўзда тутилган ҳосилни етиштириш мушкул.

томорқа ер эгалари кенгашининг мамлакатимиз фермерларига Мурожаати ўқиб эшиттирилди. Албатта, бу зимматимизга масъулият янада оширади.

Сессияда соҳа мутахассислари сувдан унумли фойдаланиш самарадорлигини ошириш бора-бора ишлар ҳақида тўхталиб, ўз тақчил ҳақида мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Навбатлаб сўғориш тўғрисида қаналдаги сув исрофини 20, ўқариқлардаги сув исрофи эса 35 фоизгача камайти. Экинни тоқчиллаштириб сўғориш, эгилувчан қувурлардан фойдаланиш ҳам сув тақчиллигини юмшатишга хизмат қилади.

Тадбирда сувчиларга қулайликлар яратиш бериш, сўғориш маданияти, обихаёт тақчиллигини юмшатишга оид агротехник юмушларни бажариш, гидротехник иншоотларни тозалаш, депутатлик ва жамоатчилик назоратини таъминловчи гуруҳлар ҳам шакллантирилди.

Бугунги кунда вилоят ҳудудида Чорбоғ, Тошкент, Охангарон сув омборларида жами 2 миллиард куб метр сув захира мавжуд бўлиб, бу кўрсаткич 2017 йилдагига нисбатан 93 фоизни, ўртача кўп йиллик кўрсаткичга нисбатан эса 88 фоизни ташкил қилмоқда.

Хисоб-китобларга қараганда, ҳудуддаги мавжуд сув ресурсларининг етишмовчилиги 501 миллион куб метрга тенгдир. Тошкент вилояти учун белгиланган, чекланган сув микдори, асосан, Чирчиқ, Охангарон дарёларидан ҳамда Сирдарёдан, шуниқдек, коллектор-дренаж ва ер ости сувларидан олинади.

Сессияда ана шундай мураккаб эриш шароитида сувни оқилона сарфлашни йўл-йўриқлари муҳожама этилиб, бу борада аниқ тақчиллаштириш бўлиб чиқилди. Жумладан, 2018 йил мавсумида экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш ҳамда сув танқислиги салбий оқибатларининг олдини олиш мақсадида вилоят бўйича 2500 гектар майдонда ўқариқлар ўрнига эгилувчан қувурлар орқали сўғориш технологиясини татбиқ қилиш лозим.

тасдиқланган. 106 та шартнома расмийлаштирилди. Бу билан 2120 гектар майдонда янги технология жорий этилди.

Сессияда сўғориш ишларини ташкил қилишда айрим муаммолар борлигига ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, фермер хўжалиқлари томонидан сўғориш ишларига сувчи-миробор етарли микдорда жалб этилмаётгани, уларнинг иш ҳақлари ўз вақтида тўланмаётгани. Сувни ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш, навбат билан сўғоришга риоя этмаслик, мансабдор шахсларнинг сув тақсимотига аралашуви, сўғориш тармоқларидан ноқонуний равишда сув олиш ҳолатлари мавжуд. Тунги сўғориш ишларига амал қилмаслик, дала майдонларини сўғоришга ўз вақтида тайёрламаслик, шарбат усулида сўғоришга эътибор бермаслик, ўқариқларнинг ҳаддан ташқари узун олинаётгани, сўғориш тармоқларининг ўз вақтида тозаланмаётгани ҳам умумий ишга жиддий тўсиқ бўлаётган омиллардандир.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилотлар ва мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди. Ишни назорат қилиш ҳамда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида вилоят ва туманлар кесимида махсус штаблар ташкил этилди.

Сессияларда кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.


Истам ИБРОҲИМОВ, Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НУҚТАИ НАЗАР

Азалий тушунчалар маъно қатлами бениҳоя кенгайиб бораётган замонда яшаймиз. "Маданият" атамаси ҳам ана шундай кенгаюв, чуқурлашув, ранг-баранглашув жараёнини бошдан кечирмоқда.

Ахборот маданияти — ҳаёт-мамонт масаласи

Буни қарангли, ахборотлашган жамият, жамоатчилик билан алкоқлар (оммавий коммуникация) аср муаммоси сифатида сартармоқ фан макромига эга бўла бораётган ҳозирги вақтда ахборот маданияти ҳаёт-мамонт масаласи даражасига кўтарилди.



орқали мулоқот тезлигини даҳадан даҳадга ошириш, ахборот воситалари яратилса, ажаб эмас.

она ва уч фарзанднинг ҳар бири ўзи истаган телекўрсатувни томоша қилади, ўзи ёқтирган радио-эшитиришни тинглайди, уларнинг ҳар бирида алоҳида компьютер, интернет, мобил телефон.

70-йилларида "Ҳар бир янги ахборот воситаси ўша замон кишиларини имтиҳондан, синовдан ўтказди", деганида, ҳали компьютер, интернет, мобил телефон одамод ҳаёлига келмаган эди.

Онгли инсон борки, ҳаётининг ҳар лаҳзасида ё ахборот олади, ё уни идрок этади ва ёки узатади. Ушбу уч жараённинг тўрттинчиси — керакмас ахборотдан халос бўлиш.

Онгли инсон борки, ҳаётининг ҳар лаҳзасида ё ахборот олади, ё уни идрок этади ва ёки узатади. Ушбу уч жараённинг тўрттинчиси — керакмас ахборотдан халос бўлиш.

Икки дунёни бир қадамга айлантирган ҳам ахборот, глобаллашув жараёнилари маҳражи, устқурмаси ҳам ахборот. Замонавий тараққиёт, фаровонлиги фароғатнинг нони, суви, ҳавоси ҳам шу! Санаб ўтилган ахборот воситаларининг кўзга кўринмас қанчаларини ташқарида яшаётган одам йўқ ҳисоби.

ротнинг ўша заҳоти эскиришига олиб келмоқда. Ҳозиргина юз мashaқат билан тоған янгилигимизни тўла англаб-идрок этиб улгурмасмиздан чиқитга чиқарилди.

тутумлари, одоб-ахлоқ меъёрларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас. Айтиб ўтилган ахборот воситаларининг ҳар бири мўъжиза, инсон ақл-идрокининг маҳсули, уларнинг ҳар бири билимини ошириш, дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади.

Қодир бўлмагани учун ҳам инсон бу қадар мислсиз, залворли юкни ахборот воситалари зиммасига юкляди. Газета, журнал, китоб, радио, телевидение, телефон, факс, компьютер, интернет, мобил телефон шарофати билан Ер юзи мўъжаз "қишлоқ"қа айланди-қўйди.

Масалани бир бошдан ойдинлаштиришга тўғри келади. Замон шиддати одамлар руҳиятига кучди. Мулоқотга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бораётди. Бугунги ишчи эртага суриш у ёқда турсин, аксинча шу дақиқадаги юмшунинг кейинги дамқиқага сурилишига тоқат дош бермакми? Бу кетишда тез орада электрон манзиллар, SMSлар

Рухият билан боғлиқ яна бир омил ааж олаётди. Ахборот оқими шиддати ортгани сайн одамларда индивидуаллашувга мойиллик кучаймоқда. Дейлик, оиладаги ота-

Хуришд ДУСТМУҲАММАД, ёзувчи, филология фанлари доктори.

Ҳақли савол туғилади: ўз ихтиёридаги ахборот воситаларидан фойдаланиш маданияти меъёрларини нечоғли ўзлаштирганми? Уларни амалда қўллаяпмизми? Уша жонсиз буюмлар ҳар биримизни имтиҳондан, синовдан ўтказаятганини — Фейл-атворимизда янги ахборот маданиятига эҳтиёж орта бораётганини етарли даражада ҳис этияпмизми?

Мўъжизакор ахборот воситаларидан зарарли максатларда фойдаланиш, фарзандларимизнинг нотўғри йўлларга солиши, олдиқорчиларга умрни қовуриши, айниқсан, мобил телефон боис келиб чиқаятган кўпбала норозиликлар, кўнгилсизликлар бу борада қилнадиған ишлар ниҳоятда кўпчилидан дарак беради.

Тараққий тоған давлатларда ахборот маданияти (инфоботика, медиаэтика, медиатализм ва ҳоказо) алоҳида фан, алоҳида муаммо, алоҳида педагогика, алоҳида сийёсат даражасига чиқди. Илмий марказлар, олим мухтаassisлар ушбу муаммолар теварағида ихтисослашган ҳолда, юз бераётган ҳолатни ўрганишмоқда, таҳлил асарлар яратишяпти. Бу бежиз эмас.

Соғлом ақл-идрок ва мантқан келиб чиқилса, ҳозирданқ тўрттинчи тўлқин ахборот одоби, маданияти тамаддуни, деб номланиши бирдан-бир тўғри ҳамда оқилона чора эканлигини кўрсатади. Ҳа, эндиликда одамларнинг, оилаларнинг, миллий кадрларнинг — инсониятнинг ривож, фароғати ва истиқбол мазкур халоскор маданиятта бевосита боғлиқ бўлиб қолади.

Хуришд ДУСТМУҲАММАД, ёзувчи, филология фанлари доктори.

Халқ дарди-ташвиши билан яшайдиган кадрлар керак

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев кейинги пайтларда айрим жабҳадаги ислохотларда оқсашлар кузатилаётгани ҳақида фикр юритар экан, албатта, ўша соҳада кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

Президентимиз бундай раҳбарлар ўрнига гайрат-шижоатли, кечая кундуз юрт равақи, мамлакат тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ҳақида йўлаб қайгурадиган, ташаббускор кадрларга таянмоқда. Уларга масъулиятли лавозимларни ишониб топширяпти. Бу, шубҳасиз, ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 майдаги "Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бугунги кундада энг долзарб, муҳим масалага ечим топишда катта қадам бўлди, десак, асло муволажа бўлмайди. Боиси, ҳозирги кунда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илгор, ташаббускор, инновацияларни яхши тушунадиган, янгиликларни ҳаётга татбиқ этиш оладиган раҳбар кадрларнинг ўрни беқўбодир.

Ўшбу бундай юқори малакали кадрларни қаердан олиш мумкин? Тўғри, қарорда таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ҳамда бошқа соҳаларда бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича кўп иш қилинди.

Жорий йилга "Фаол тадбиркорлик, инновацион оғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили", деб бежиз ном берилгани йўқ. Зеро, ҳар бир раҳбар давр талабидан келиб чиқиб, соҳани, вазифалар моҳиятини, аввало, ўзи чуқур тушуниб етиши, янгиликларни, инновацияларни қорхонага жорий этиш механизмларини йўлаб топиши керак бўлади.

Президентимизнинг ушбу қарори ижросини таъминлашдаги яна бир муҳим жиҳат, уларни ўқитиш тизимини йўлга қўйишдир. Чунки ҳозирги кунда раҳбарлик лавозимларида ишлаб келаётган кадрларнинг кўпчилигида ўқув, маҳорат, одамларнинг дарди-ҳасратини тинглаш, унинг ечимини топиш салоҳияти етишмайди. Шу боис ҳар бир соҳа бўйича раҳбар кадрларни ўқитиш тизимини нафақат республика, балки вилоят микёсида ҳам ишлаб чиқиб максатда мувофиқ. Раҳбар кадрларни ўқитиш тизими мунтазамлик касб этса, кадрларни тайёрлаш, малакасини оширишда сифат кўрсаткичлари янада ошган бўлур эди.

Авоҳоб ЭРҒАШЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

ТАҚДИМОТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йили Фарғонага ташрифи чоғида вилоятда Қорабайир отларини кўпайтириш борасида ўз тавсияларини берган эди. Шундан кўп ўтмай, Қувасой шахрининг Пакана маҳалласида Қорабайир зотли отларни кўпайтиришга ихтисослаштирилган "Водий тулпорлари" наслчилик комплекси фойдаланишга топширилди.



Хирсачбек АРАББОВЕВ отлар сурати.

Фарғонада ноёб отлар парваришланади

Хитой ёзма манбалари ва мамлакатимизнинг турли мавзелиридан топиладиган қоятош суратлар Қорабайир зотининг ёши уч минг йилдан зиёд эканлигини тасдиқлайди. Бундан ташқари, Эроннинг Бехустун қоясидаги бўртма суратларда, Ахамонийлар саройидаги деворий расмларда қадимги Турон заминидан келтирилган учқур аргумоқлар тасвири акс этган.

2,5 гектар ҳудудда Қорабайир зотли отларни кўпайтиришга ихтисослаштирилган мажмуа ташкил этилиши, бу ерда насли ва спорт отлари тизимли равишда етиштирилиши келажақда юртимиз от спортининг ҳамда у билан боғлиқ миллий ўйинларимизнинг жаҳонга чиқишида асосий таянч бўлиб хизмат қилади.

Мажмуа ёзи ва қишки мусобақалар ўтказиш майдони, насл кўпайтириш ва отларни парваришлагша мўлжалланган махсус биноларга эга.

Элёржон ЭҲСОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни Экологик барқарорликни таъминлаш — устувор мақсад

Табиат муҳофазаси нафақат давлат ва жамият, балки ҳар бир фуқаронинг вазифасидир. Зеро, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташаббуси билан 1972 йилда асос солинган Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунининг нишонлинишидан қўзғалган мақсад ҳам экология муаммоларига кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш, унинг ечимини йўлида ҳамжиҳатликда иш олиб боришга чақиришдан иборат.

Дунё экологларининг байрамига айланган бу кун Ўзбекистонда ҳам кенг нишонли келинмоқда.

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳамда Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлари гуруҳи томонидан маҳаллий ва халқаро ташкилотлар кўмағида ташкил этилган тадбир мазкур санага бағишланди.

Сурхондарё:

ЖАНУБ ДУНЁГА ЮЗ ТУТМОҚДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Мазкур форум менда катта таассурот уйғотди, — дейди хиндистонлик тадбиркор Санжай Гулша. — Ўзбекистоннинг инвестициявий салоҳияти ҳар қандай сармоядор учун жуда ишончли. Компаниямиз ҳўл ва қуруқ мевалар бизнеси билан 30 йилдан буюн шуғулланиб келади. Бу йўналишда ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишдан катта манфаатдор эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Чунки серкўш

заминда етиштириладиган мева-сабзавотлар доимо мазали ҳамда харидориги бўлади. Шунини инобатга олиб, Сурхондарёда бизнес-режа мизининг истиқболини аниқ тасаввур этиялмиз. Қўзда тутилган лойиҳамиз амалга ошса, 1000 дан ортиқ иш ўринлари яратилади.

Айни пайтда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда вилоятда 71 қўшма корхона самарали фаолият юритмоқда. Энг муҳими, ташқи бозорга чиқаятган қорхоналар сони ҳам тобора ортиб бораётди.

йўналишларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлади. Ушбу эзгу мақсадга эришиш йўлида, аввало, соҳанинг ҳуқуқий пойдеворини мустақамлаш, қонунчиликни такомиллаштириш, уларнинг изчил иқросини таъминлаш пайидан бўлимоқда.

Ўзбекистон экологик ҳаракати бу жараённинг фаол иштирокисини сифатида атроф-муҳит муҳофазасини наинки давлат ва жамият, балки ҳар бир кишининг фуқаролик бурчи га айланган, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодининг экологик тарбиясини қўйишига қаратилган кўпбала экологик лойиҳалар ташаббускорига айланмоқда. Мактаб

ёшчилари ўртасида "Онажоним — табиат", олий ўқув юртлари талабалари ўртасида "Глобал иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича энг яхши гоя", "Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, табиёт ва экология" мавзуларида ижодий танловлар, шунингдек, эколог журналистлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун Республика экожурналистика танлови ўтказиб келинаётгани бунга яққол мисол бўла олади.

Тадбир доирасида мазкур қуриқ-танловлар ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

— Асосан, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатамиз, — дейди "Akido" компанияси вакили Поль Шубель. — Биз бу ерда паррандачилик, қорвачилик қорхоналари билан ҳамкорлик қилиш ниятидамыз. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг аънавий узумчилик базасида вино заводларини барпо этишни режалаштирялмиз.

Халқаро тадбиркорлар анжуманида Хиндистон, Бангладеш, Индонезия, Словакия, Украина, Кувайт ҳамда Афғонистоннинг Ўзбекистондаги Фахуллода ва мухтор

элчилари билан Сурхондарё вилояти ҳокими Эркин Турдимовнинг учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Мулоқотлар чоғида ўзаро ҳамкорликнинг истиқболлари белгилаб олинди.

Икки кун давом этган тадбир якунида иштирокчилар Ҳаким Термизий, Имом Термизий ёдгорлик мажмуаларини зиёрат қилиб, воҳодаги қўлаб туристик иншоотлар ҳамда бир қатор ийрик ишлаб чиқариш қорхоналари фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

Илҳом РАҲМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика Кенгаши, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Адлия ҳамда Ички ишлар вазирликлари ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда мамлакатимиздаги вазирилик, идора, ташкилот, муассасалар бош мутаассислари, ёш олимлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этаётди.

Пойтахтимизда ана шу шпор остида "Уюшмаган ёшлар билан ишлаш тизими самарадорлигини ошириш: муаммо ва истиқболлар" мавзусидаги II-республика илмий-амалий конференцияси бошланди.

Ёшлар — келажак бунёдкори

сиёсати муҳим йўналиш сифатида ёшлар ҳаёти билан боғлиқ бўлган воқеликнинг бош хусусиятларини ўзида мўжассам этган. Шу нуқтаи назардан, юртимизда мустақиллик йилларида юз берган ҳамда давлат томонидан мақсадли амалга оширилган ёшларга оид барча ижтимоий ўзгаришлар, тўр ислохотлар, трансформация жараёнларини босиб ўтди.

алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур тизим самарадорлигини ошириш ҳамда бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ўрганиш, уюшмаган ёшлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, шунингдек, касб-хўнарга йўналтириш ва улар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш қизгин муҳокама қилинди.

Анжуманда айна жиҳатларга

Дилфуза СОБИРОВА.

Ўзбекистон автомобиль саноати:

ЯНГИЛИКЛАР, ЎЗГАРИШЛАР, РЕЖАЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Самарқанддаги "UzAutoTrailer" заводидан эса "КамАЗ" юк автомобилларининг бир неча модели йиғилади. Айни пайтда эҳтиёт қисмларни Россиядан етказиб бериш билан бирга, уларнинг баъзиларини Ўзбекистондаги корхоналарда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Яқин вақт ичидан Наманган вилоятида ҳам "Hyundai" маркази остида юк автомобиллари ва автобуслар тайёрлаш бошланади. Лойиҳага қўра, корхона конвейерларида 1 тоннадан 50 тоннагача бўлган юк қўтаруш кучига эга юк автомобиллари, шунингдек, шаҳарлараро, халқаро ҳамда сайёҳлик йўналишларида қатновчи автобуслар, махсус транспорт воситалари йиғилади. Завод ишга тушганидан сўнг уч йил мобайнида ҳар йили икки мингтагача "Hyundai" юк автомобиллари ва мингта автобус ишлаб чиқариш ҳамда улар учун эҳтиёт қисмлар тайёрлашни босқичма-босқич ўзлаштириш мўлжалланмоқда.

Амалга оширилаётган лойиҳалардан ташқари, турли мамлакатлардан, хусусан, Европа, Хитой ва Ҳиндистон компаниялари билан ҳам Ўзбекистонда қўша корхоналар очиб борасида музокара олиб борилмоқда. Бу мулоқотлар фақат энгил ҳамда юк автомобиллари ёки автобуслар ишлаб чиқариш билангина чекланиб қолмаётганини айтиш жоиз. Мисол учун, Наманган вилоятида Хитойнинг машҳур "Лифан" компанияси билан шерикликда мотоцикллар ва велосипедлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш

бўйича ҳам режалар тузилган. Ўзбекистон автомобилсозлари ишлаб чиқаришни нафақат мамлакат ичидан, балки ундан ташқарида ҳам ривожлантириш ниятидандир. Яқинда "Узавтосаноат" АЖда бўлиб ўтган матбуот анжуманида тақдим қилинган маълумотларга қўра, Қозоғистоннинг Қўстанай шаҳрида бизнинг автомобилларимизни йиғиш йўлга қўйилди. Россия Федерацияси билан ҳам "GM Uzbekistan" автоларини йиғиш жойини аниқлаш бўйича музокара авж нўқтасига чиққан. Санкт-Петербург, Карачаево-Черкесия, Тольятти ҳамда Нижний Новгороддаги ишлаб чиқариш майдонлари қўриб қилинган. Бу масалада "Узавтосаноат" раҳбарияти Ўзбекистон автомобилсозларининг ҳамкори — "General Motors"нинг заводи ишлаб турган Санкт-Петербург шаҳрига кўпроқ қизиқиш билдирмоқда. Қирғизистонда ҳам йиғув-ишлаб чиқаришни ташкил этиш мўҳама қилинган. Мазкур мамлакатда икки манзил — Уш ёки Бишкек мўқобилларидан биттаси таллаб олинди ва масала лойиҳанинг итисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги бўйича барча ҳисоб-китоб амалга оширилган, ҳал этилди. Логистика нўқтани заридан келиб чиқадиган бўлса, Андижон вилоятидаги автозаводга яқинроқ жойлашган Уш шаҳри маълумроқ қўрилади.

"Узавтосаноат"нинг бу сийсати ҳақиқатта турри келмайдиган турли миш-мишларга сабаб бўлган-дир балки. "Узавтосаноат" АЖ раҳбарлари матбуот анжумани давомида бу гап-сўзларга ҳам мўносабат билдирди. Масалан, кўп

йиллик ҳамкоримиз "General Motors" Ўзбекистонда ўз фаолиятини тўхтатганини қабилдаги гап-сўзлар тарқалди. Бу миш-мишларнинг исботи сифатида GM ўз акцияларини сотаётгани айтилаётгани. Ҳўш, мўносабатларимиз ўзи қай ҳолатда? Турри, маҳаллий автосаноатимиз раҳбарлари бундай жараён давом этаётганини тасдиқлади. "Узавтосаноат" АЖ

эмас. Аслини олганда, шериклар биргаликдаги фаолиятни тўхтатмаслик, бироқ бунда Ўзбекистоннинг автомобиль саноатига кўпроқ мўстақиллик беришни назарда тутувчи "GM — Ўзбекистон альянсини" таъсис этиш ҳақида келишиб олиб, ҳамкорликнинг янги босқичига чиқди. Альянс доирасида "Узавтосаноат" АЖ ва GM мамлакатимизда автомобиль



ўринлари сони ёки автомобиль ва двигателлар ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этмаслигини тасдиқлади. GM автомобиль ҳамда двигателлар тайёрлаш учун таркибий қисмлар етказиб беришда давом этади ва Ўзбекистон автомобиль саноатини доимий қўллаб-қувватлайди.

Яна бир жиҳат. Маълумотларга қараганда, маҳаллий автосаноат маҳсулотларининг экспорти ҳамда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобилларни Ливия, Иордания, Тунис каби давлатларга жўнатиш ҳисобига унинг географиясини кенгайтиришга катта аҳамият бериллаётгани ҳолда, "Узавтосаноат" АЖ учун ички бозор устувор бўлиб қолмоқда. Охириги вақтларда ўзимизда маҳаллий энгил автомобиллар учун талаб уч баробардан кўпроқ ошди. Шу боисдан энгил автомобиллар йиғиш ҳажми бир неча бор қайта қўриб чиқилди. Агар ўтган йили мазкур кўрсаткич 140,2 мингтадан зиёд қўри таш-

кил қилган бўлса, жорий йилда дастлаб 150 мингдан ортиқ автомобиль ишлаб чиқариш режалаштирилган, кейинроқ 170 мингта, ҳозир эса аҳоли эҳтиёжини қондириш учун ушбу кўрсаткич 200 мингта, деб белгиланди.

Қолаверса, маҳсулотни сотиш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Сир эмаски, айнан шу соҳада дилерлар томонидан шартномалар тузиш, контрактлар билан ишлаш давомида қўллаб қўйиб чиқариш ва суиистеъмолчиликларга йўл қўйиллаётган, бу эса мижозларнинг нафақат дилерлардан, балки ишлаб чиқарувчи ҳамда норози бўлишига сабаб бўлаётгани. Мазкур ҳолатларнинг барчаси дилерлар билан мўносабатларни қайта қўриб чиқашда кескин чораларни тақозо этапти. Шу сабабли, "Узавтосаноат" АЖ хорийий тажрибани амалда татбиқ қилмоқчи, яъни дилерлар автомобилларни ишлаб

чиқарувчидан аввал сотиб олиб, кейин уни мижозларга реализация қилади. Бошқача айтганда, буюртма берган мижоз пулни тўлагач, ўзи танлаган автомобилни дарҳол олиши керак. Турри, реализация тизимини бир зумда ўзгартириш имконсиз. Шунинг учун ҳам ҳозирча бошқа чоралар қўлланмоқда. Масалан, автомобилларни сотиш тўлалигича миллий валютага ўтказилди, тўлов тизимини ҳеч бир қаршилликсиз танлаш мўмкин, автомобиль харид қилиш учун буюртмаларни ҳисобга олишининг марказлашган электрон тизими (яъни электрон навбат) жорий этилди, дилерлик корхоналари иш фаолиятининг янги регламенти қўра кирди. Онлайн-тўлов ҳамда эҳтиёт қисмлар сотиш бўйича ягона портални ишга тушириш юзасидан лойиҳалар амалга оширилиш арасида.

Жамият раҳбариятининг ОАВ вакиллари маълум қилишларича, Тошкентдаги Турин политехника университети қошида ташкил этилган "Узавтосаноат" АЖнинг Инновациялар марказида электрон билан яратилган ва синовдан ўтказиш билан шуғулланувчи махсус гуруҳ тузилган, айнан шу марказда Ўзбекистондаги ҳайдовчисиз юрвчи илк автомобиль лойиҳалаштирилаётган экан. Синовларнинг тўлиқ даври муваффақиятли ниҳояланган, автобилсозлар "Ангрэн" ЭИЗда барпо этилган заводда ишлаб чиқариладиган шиналарни маҳаллий автоларга ўрнатишни бошлади. Мутасаддиларнинг айтишича, экспортга чиқарилаётган автомобилларнинг нархини ошириш масаласи қўриб чиқилипти, аммо ички бозордаги автомобиллар нархини кўтариш ҳақида гап йўқ. Яна бир аниқлик: "Matiz" ишлаб чиқариш тўхтатилди. Яқин вақт ичида "Chevrolet Tracker" моделини йиғиш бошланади. Бу энди кейинги мавзуларимиздан биридир.

Собир АЛИЕВ.

✓ "Жаззах" ЭИЗда барпо этилаётган "Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive" автомобил заводида "Пежо боксер" ва "Пежо эксперт" сингари бир неча модификациялар тайёрлаш мўлжалланмоқда.

✓ Самарқанддаги "UzAutoTrailer" заводидан "КамАЗ" юк автомобилларининг бир неча модели йиғилади.

✓ Яқин вақт ичидан Наманган вилоятида ҳам "Hyundai" маркази остида юк автомобиллари ва автобуслар тайёрлаш бошланади.

"General Motors"дан Асакадаги автозаводнинг акцияларини сотиб олмақда. Айни пайтда GMда бу акцияларнинг 10 фоизи қолган. Йил охиригача Америка корпорациясининг бор улшини сотиб олиш режалаштирилган. Бундан ташқари, автомобиль двигателлари ишлаб чиқарувчи "GM Powertrain Uzbekistan" заводининг ҳозир "General Motors"га тегишли бўлган 70 фоиз акциясини харид қилиш бўйича ҳам музокара кетмоқда.

Аммо бу, агар шундай аташ мўмкин бўлса, ажралиш дегани

ҳамда двигателлар ишлаб чиқарувчи, шунингдек, автомобилларни "Chevrolet" ва "Ravon" брендлари остида ички ҳамда ташқи бозорда илгари суриш ва реализация қилиш бўйича ҳамкорликни давом эттиради. Фақат энди "Узавтосаноат" АЖ автомобиллар ҳамда двигателлар ишлаб чиқариш бўйича мувофиқлаштирувчи фаолиятда назоратни тўлиқ ўз зиммасига олади, "General Motors" эса бу ишда техник қўллаб-қувватлаб, ёрдам кўрсатади.

Америкалик шерикларнинг ўзлари альянс таъсис қилиниши иш

Энг яхши гулчига «Spark» автомашинаси совға қилинди

Наманганликларнинг ўзига хос аънъанаси — "Гуллар байрами" бу йил эллик саккизинчи бор нишонланди. Заҳириддин Мўхаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган гул кўргазмалари, ранг-баранг маданий ва маърифий дастурлар бир ҳафта давомида вилоят аҳли ҳамда меҳмонларга завқли дамларни улашди.

АНЪАНА



Ҳамдам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сўрат.

Жорий йилдаги нафосат айнинг давомида байрамнинг нуфузи ортиб, халқаро миқёс касб этаётгани кўзга яққол ташланди. Тадбирда қатнашиш учун Россия, Қир-

ғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркия, Саудия Арабистони, Бангладеш, Кувейт, Баҳрайн, Жанубий Корея, Хитой каби 14 та давлатдан 300 дан зиёд меҳмонлар ташриф буюрдилар. Вилоят марказидаги "Уч фаввора" хиёбонида энг яхши гулчилар ва тадбирни ўтказишда фаоллик кўрсатган ташкилотчилар тақдирланди. Жумладан, энг яхши гуллар кўргазмасини ташкил этиб, танловнинг олий ўрнига сазовор бўлган "Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти ҳамда уста-гулчи Мирзохид Холмирозавга мукофотнинг каттаси — "Spark" автомашинаси топширилди. Бир қатор йўналишлар бўйича ҳам гоиллар қимматбаҳо совғаларга мўносиб қўрилди. Пойтахтдан ташриф буюрган таниқли хонандалар иштирокидаги гала-концерт эса байрамга ўзгача шуқуқ бағишлади.

Гуллар кўргазмаси бир ой давом этади. Қудратилла НАҲМИДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ТУРИЗМ

Самарқанд вилоятида "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" лойиҳаси доирасида кам таъминланган оила фарзандлари, ногиронлиги бўлган ҳамда имконияти чекланган болалар шаҳар бўйлаб саёҳат қилиши.

Табаррук масканларга саёҳат

— Жами 250 нафар ўқувчи ушбу акция давомида кўплаб тарихий маълумотларга эга бўлди, — дейди Ешлар иттифоқи Самарқанд вилояти Кенгаши бош мутахассиси Элмурод Раҳмонов. — Улар ушбу сайрдан катта таассурот олишганини билдиришди. Еш саёҳатчиларни туманлардан олиб келиш, тарихий обидаларга автобусларда кузатиш, тушлик ва бошқа харажатлар ҳомийлик асосида ташкил этилди.

Мамаднўр ЗИДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

QISHLOQQURILISHBANK

- ✓ **Замонавий**
- ✓ **Қулай**
- ✓ **Тезкор**

"QQB-MOBILE" — барча хизматлар мобиль телефонингизда!

ДАСТУРДАН ФОЙДАЛАНИБ:

- ✓ Мобиль алоқа операторлари, шаҳар телефони, интернет провайдерлар, рақамли телевидение хизматлари;
- ✓ «Қишлоқ қурилиш банк»дан олинган истеъмол ва ипотека кредитлари;
- ✓ коммунал хизматлар;
- ✓ Тошкент шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси жарималари учун тўловларни амалга ошириш мўмкин.

Илова ёрдамида «МУНИС» тўлов тизими орқали «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ пластик картасидан маблағларни бошқа банк пластик картасига ўтказиш имконияти мавжуд.

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

(+99871) 150-39-93, 150-76-47 www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ кўйидаги маҳсулотларни тақдим этади:
гальванизацияланган ва полимер қопламали
ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-18, С-35

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимерик маҳсулотдан фойдаланилади.
 Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

- 0,4 мм. — 38 000 сўм/п.м. • 0,45 мм. — 42 500 сўм/п.м. • 0,7 мм. — 65 500 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

- RAL 3005 0,45 мм. — 48 600 сўм/п.м. • RAL 6005 0,45 мм. — 48 600 сўм/п.м.
- RAL 3005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м. • RAL 6005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м.

Қўшимча маълумот учун қўйидаги телефон рақами бўйича мурожаат қилинг: **(+ 998 95) 197-00-93**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 645. 122 230 нўсхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нарҳда.

Гезетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котабият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тажрибятта келган қўлималар тақдир қилинмайди ва муаллифга ҳайратимайди.

Гезетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.

Гезета таҳририят компьютер марказида термалди ҳамда оператор Ж. Тоғоев томонидан саҳифаланган.

Гезетанинг полиграфик жиҳатдан сифатдан чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жошиқошов,
Навбатчи — Ю. Бурунов,
Мусаҳҳах — С. Исомов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.50 Топширилди — 01.30 2 3 4 5 6